

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ**

2 (86) 2021



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

2 (86) 2021

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

БОШ МУҲАРРИР:
академик
Ботир
СУЛАЙМОНОВ

Бош муҳаррир
ўринбосарлари:
профессор
Камолиддин
СУЛТОНОВ

профессор
Лазизахон
ГАФУРОВА

қ.х.ф. доктори
Махсуд АДИЛОВ

Ижрочи директор:
Бахтиёр НУРМАТОВ

Муҳаррир:
Денислам
АЛИМКУЛОВ

Журнал 2000 йил апрель
ойида ташкил топган.
Бир йилда 6 марта чоп
этилади.

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 2,
ТошДАУ
Тел: (+99871) 260-44-95.
Факс: 260-38-60.

E-mail:
nurmatovbaxtivor868@gmail.com
Мақолада келтирилган факт
ва рақамлар учун муаллифлар
жавобгардир.

2 (86)
2021 йил

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Т а х р и р х а й ъ а т и:

А.А. Абдуллаев – академик,
И.А. Абдурахманов – профессор,
А.А. Аманов – профессор,
Х.Н. Атабаева – профессор,
Х.Ч.Бўриев – профессор,
И.И.Васенев – профессор (Россия)
С.С. Гулямов – академик,
Р.Д. Дусмуратов – профессор,
В.И. Зуев – профессор,
А.К. Кайимов – профессор,
Х.Х.Кимсанбаев – профессор,
Л.С.Кучкарова – профессор,
М.А.Мазиров – профессор (Россия)
А.М.Мухаммадиев – профессор,
Р.С.Назаров – профессор,
У.Н.Носиров – профессор,
Т.Э.Остонокулов – профессор,
Ш.Н.Нурматов – профессор,
С.Я.Исломов – профессор,
М.Т.Ташиболтаев – профессор,
Ш.Ж.Тешаев – профессор,
Т.Ф.Фармонов – профессор,
Б.О. Хасанов – профессор,
Э.А.Холмуродов – профессор,
Н.С.Хушиматов – профессор,
У.П. Умурзаков – профессор,
А.А.Абдувасиков – доцент

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб
чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти маркази.

Тошкент давлат аграр университети.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти.
Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали.
Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали.

ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА

BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Журнал 2000 йил апрел
ойида ташкил топган

Бир йилда 6 марта
чоп этилади

Тошкент

№ 2 (86) 2021.

МУНДАРИЖА

Ўсимликшунослик

Кўзиева С.Ў., Ишанкулова Д.У. <i>Spiraea Hypericifolia L.</i> , нинг уруғларини унувчанлиги.....	6
Абдикулов З. У., Хожаёрова Д., Жуманов Ў. Буғдой ўсимлигининг ўсиш-ривожланишига микроэлементларни таъсири.....	9
Бобокулов З.Р., Бобомурадов З.С. Нўхат ҳосил структурасига турли экиш муддатлари ва чуқурликларининг таъсири.....	12
Тухтамишева Г.Қ., Мажидова Н.Қ., Саттаров К.К. Махалий буғдой донидан сифатли ун навларини олиш технологиясини ўрганиш.....	14
Имомова Д. А, Имомова Ш. А. Айдар–арнасой кўллар тизимихудудида тарқалган ўсимликларнинг ҳаётий шакллари.....	18

Пахтачилик

Алиев Ж.Х. Фосфогипс ва органик ўғитларнинг тупроқ ғоваклигига таъсири (Ўза нави С-6524).....	22
Эргашев О.Р., ¹ Аликулов Э.О., ¹ Бойпўлатов Ғ.А., ¹ Абдурашулов Ш.А. ² Бошланғич ашё ўза навларида гул чангдонлари ва уруғ куртаглари сонининг фарқланиши.....	24

Зоотехния ва ветеринария

Сапаев Б., Сапаев И.Б., Ташниязов А.А. Полимерлар нима? парранда патлари чиқиндиларини табиий парчаланувчи пластикга ва озубабоп емишга айлантиришнинг истиқболлари.....	26
Абдуллаев Ғ. Р., Саидумаров С.С., Юлдашов М.А., Сулаймонов Ш.Х. Тошкент вилояти шароитида камалак гулбалиқни етиштириш.....	29
Саидумаров С. С., Сулаймонов Ш.Х., Юлдашов М.А., Абдуллаев Ғ.Р. Тошкент вилояти оқар сув бассейларида интенсив шароитида камалак гулбалиқнинг ўсиши.....	31
Тошова Н.Р., Носиров О.Т., Камиллов Б.Г., Хўжаматов И.И. Сирдарё вилояти коллектор-дренаж сувларидан тўйинадиган ҳовузларда етиштирилаётган бир ёзлик карп балиқларининг ўсиши.....	34
Sultanmuratov В.Р., Safarova F.E., Muxtorov В.О., Muratova M.X. Sirdaryo daryosi o' rta oqimi suv havzalari ovlanadigan baliqlarining gel' mintlari va ularning rivojlanishi.....	36
Қуватов А.Қ., Мустафоева З.М. Чирчиқ дарёсида тарқалган <i>Gambusia Affinis</i> (Cyprinodontiformes: Pоеciliidae) балиғининг морфометрик ва диогностик белгилари.....	38

Селекция, генетика ва уруғчилик

Зупаров М.А. Жўраев С.Т. Ўза экилган майдонлардан олинган тупроқ намуналаридан ажратилган замбуруғлар.....	41
Жўраев С.Т. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида етиштирилган ўза тизмаларида ҳосилдорликнинг ва хўжалик қимматли белгилари билан ўзаро боғлиқлиги.....	44
Насириллаев Б., Абдиқодиров М. <i>Bombux mori l.</i> тут ипак қуртининг ноаллель эмбрионал z-леталлари ва уларнинг тухум маҳсулдорлигини оширишдаги роли.....	47
Эржигитов Д.Ш., Чиникулов Б.Х., Тўрақулов Х.С., Исоқулов С.М., Мардонова М.Р., Холбоев А.М. Юмшоқ буғдойнинг ВҒ ₂ авлодларини юкори ҳароратга чидамлилигини баҳолаш.....	50
Мурталибов М. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик бўйича давлат синови тўғрисида.....	54
Нурматов Ш., Мурталибов М., Болтаев И. Янги навлар - янги имкониятлар.....	57

Тупроқшунослик ва агрохимё

Гафурова Л.А., Шарипов О.Б., Қодирова Д.А., Расулов Х.Н., Олимжонов М.Б. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар органик моддаси трансформациясининг микробиологик жиҳатлари.....	64
Махамматова М., Шербўтаев О., Муккарамов А., жўраев Ш., Хуррамов А.А. Кузги буғдой навларини кондицион уруғ чиқишига экиш меъёрининг таъсири.....	66

Мевачилик ва сабзавотчилик

Рахматов О., Рахматуллоев Р.К., Давлатов Р. Quruq uzum aralashmasini ajratish jarayonini nazariy va eksperimental o'rganish.....	69
To'xtamishiev S.S., Рахматов О., Давлатов Р. Sabzavot nasilining elastik materiallarining konsertini yo'q qilishning tartibi.....	73
Джонибекова Н.Э., Юрсунова Ш.Э., Файзиев Ж. Н. Маҳаллий хўраки узум навларининг йиллик ривожланиш фазалари.....	77

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрификациялаш

Худаяров Б., Қузиёв У., Худайкулов Р. Комбинациялашган агрегат эгилтиргичи таъсирида ғўзапояларни эгилтирилиши.....	80
Усмонов К.Э., Ибрагимова Г.Н., Бозорбоев А. Парранда чиқиндиларини қайта ишлаш билан ерларнинг унумдорлигини ошириш.....	87
Алижанов Д., Жуматов Я., Бекназаров Ш. Винтсимон озуқа майдалагичнинг параметр ва режимларини мақбуллаштириш.....	92
Джамолов Р.К., Джураев А., Бобоев Ж.Х. Иссиқлик генераторида иссиқликни узатиш жараёни параметрларини назарий аниқлаш натижалари.....	96

Ўсимликларни химоя қилиш

Kojevnikova A.G. <i>Anacratagallia zachvatkin</i> va uning tashxisi.....	101
Рахимов У.Х., Қиличева Д.Н. Олма касалликларига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги.....	103
Тухтамишева Г.К. Тошбақасимон кана билан зарарланган донларни нонбоблик хусусиятларига таъсирини ўрганиш.....	107
Джахангирова Г.З., Ортиқбоев Н.У., Сарболаев Ф.Н. Пестицидларнинг дон сифатига тасирини ўрганиш.....	110

Дехқончилик ва мелиорация

Илхамов Н.М., Курбанов И.Г., Ганиев С.Э., Тошпўлатов Ч.В. Сабзавотларни қора полиэтилен плёнка остидан томчилатиб суғориш усулида етиштириш.....	114
---	-----

Ўрмончилик

Сулаймонов Б.А., Анорбаев А.Р. Ўрмон зараркунандалари ва дарахтларнинг санитар ҳолати.....	119
Рашидова Ф.У., Каюмов А. Технология выращивание декоративных растений в миниатюре – искусство «бонсай» в Узбекистане.....	122
Холова Ш.А., Отақўзиев И.И. Тошкент Ботаника боғи шароитида хитой лигиструми (<i>Ligustrum sinense Lour.</i>) турини вегетатив усулда кўпайтириш.....	125
Чориев А.Ж., Ҳамидов У. Ю., Амонова Н.М., Бойназарова С. Ўрмон фонди ерларида ўсаётган кўнғирбош ва жавдар ўсимликларни радиоактив тупроққа маслашиш жараёни.....	130
Хасанов А.М., Абдуллаев Ж.М. Ўрмон агробиоценозида бодом зараркунандалари ва уларни микдорини бошқариш усуллари.....	132
Жураев Ж.М., Холмуротов М.З., Халилова К.А. Раёногулдошлар оиласига мансуб дарахт ва бута турларини асарларнинг баҳорги ривожланишидаги аҳамияти.....	136
Нармухамедова М.К., Хусанов Т.С., Кодирова З.Н. Олма турларидаги фитопатогенларни аниқлаш ва ажратиш.....	139
Эшанкулов Б. И., Худайназарова Н.Х. Ўзбекистон шароитида эрон писта навларини ўсишини ўрганиш.....	143
Ҳамидов М.З., Холмуротов М.З. Интродукция шароитида найчагул (<i>Campsis radicans</i> - (L.) Seem.) ўсимлигини вегетатив кўпайтириш усуллари.....	145
Эгамбердиев Ш.Б., Эгамбердиев М.Х., Мажидова М. М., Тўхтасинов Ш.Б. Интерьерда ўсувчи шеффлера (<i>Schefflera</i>) турларининг биоэкологияси ва ўстириш технологияси.....	147
Убайдуллаев Ф.Б., Усмонов С. С. Автомобиль йўллари кўкаламзорлаштиришда фойдаланадиган оддий сохта каштан (<i>Aesculus Hippocastanum</i> L.) ва япон софораси (<i>Sophora Japonica</i> L.) уруғларининг унувчанлигига гетероауксин ўстирувчи моддасининг таъсири.....	151
Турдиев С. А. Шарқ жийдаси (<i>Elaeagnus orientalis</i> L.) ни истиқболли шаклларини танлаш асосида навларини яратиш меъзони.....	154
Гуламходжаева Ш.Ф. Кўкаламзорлаштиришда эрта гулловчи манзарали бута турлари.....	158
Очилов Т., Эгамбердиев М.Х., Эгамбердиев Ш.Б., Тўхтасинов Ш. Б. Зарафшон арчасининг экологик шароитларга боғлиқ ҳолда ўсиши ва эрозияни олдини олишдаги аҳамияти.....	161
Бердиев Э.Т., Тожиев Д.Б., Тўхтасинов Ш.Б., Хуррамова Д.Б. Қоғоз дарахтининг (<i>Broussonetia Papyrifera</i>) биоэкологияси ва манзаравийлик хусусиятлари.....	164
Гафурджанов Б.Т., Бердиев Э.Т. Тошкент воҳасида икки парракли гинкго (<i>Ginkgo biloba</i> L.) ўстириш.....	169
Исомов Е.Е., Жумаева Г.К. Артишок (<i>Cynara Scolymus</i> L.) навларининг турли тупроқ шароитларидаги макро ва микроэлементлар таркиби.....	173

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ

УДК:631.4.411.5.577.547.466

Л.А.ГАФУРОВА¹, О.Б.ШАРИПОВ², Д.А.ҚОДИРОВА³, Х.Н.РАСУЛОВ³, М.Б.ОЛИМЖОНОВ³

СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАР ОРГАНИК МОДДАСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг органик моддасининг трансформацияси коэффиценти ва тупроқлар биогенлиги ўрганилган. Тадқиқотлар натижада, ҳудуд тупроқларида азотининг энг юқори биогенлик хусусиятисуғориладиган чўл-қумлитупроқларида, сўнгра камроқ биогенлик хусусияти суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ва энг кам-воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларига ҳослиги билан аниқланди.

Таянч сўз ва иборалар: *морфогенетик, агрокимёвий, физик-кимёвий хоссалари, микробиоценоз, био-органоминерал комплекс, минерализация, трансформация коэффиценти, органик ўзгит.*

КИРИШ

Дунёда сўнги йилларда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш устувор масалалардан бири ҳисобланади. Тупроқларнинг агрокимёвий, физик-кимёвий хоссалари, гумуслилик ҳолати ва унинг биологик фаоллигини тавсифлаш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, тупроқ деградацияси жараёнларини дастлабки босқичида замонавий технологияларини қўллаган ҳолда аниқлаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, органик деҳқончиликни юритиш, биологик усуллар орқали қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли экологик тоза маҳсулот етиштиришга доир илмий-амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1,5].

Бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ер майдонлари тупроқларининг унумдорлигини ва ўз навбатида, экинлар ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларни, энг асосийси замонавий сув- ва ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни кенг жорий қилиш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустақамлаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда самарали услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Тупроқда инерт ёки реликт қисм билан ҳаракатчан ёки био-органоминерал комплексни бир-биридан тафовут қилиш лозим; ёки био-органоминерал комплекс дейилганда, доим ўзаро таъсир қилиб турадиган, тупроқ массасини юзага келтирадиган жами элементлар йиғиндиси тушунилади. Бунда тупроқ микроорганизмларигина эмас, балки органик ва минерал моддалардан ҳосил бўлган коллоид моддалар, шунингдек сувда эриган моддалар, шу жумладан газлар ҳам қиради. Тупроқнинг ушбу қисми жуда фаол бўлиб ва тупроқ унумдорлиги биринчи навбатда манашу қисмга боғлиқ бўлади. Тупроқда био-органоминерал комплекси (БОМК) нинг миқдорини билиш муҳим аҳамиятга эга [5,6].

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти Бухоро туманида тарқалган суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал, суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал ва суғориладиган воҳа чўл-қумли тупроқлари.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларининг биологик фаоллигини аниқлаш ва уларни макбуллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (Бухоро тумани мисолида).

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР:

Тупроқлардаги микроорганизмларнинг умумий миқдори протеолитик, амилитик, олигонитрофил ва микромицетлардан ташкил топади. Микроорганизмлар тупроқларнинг органик моддасининг фаол ва ҳаракатчан қисми-унинг плазмаси, тупроқнинг ҳолатининг ўзгаришига (шу жумладан инсон фаолияти таъсирида) тезкор реакция қилади. Ўрганилган суғориладиган тупроқларида микробиологик жараёнларини ўзига ҳослиги аниқланди. Буларга информатив кўрсаткич бўлиб органик моддаларнинг минерализация коэффиценти (Кмин) ва органик моддаларнинг трансформация коэффиценти (Комт) хизмат қилади. Ушбу

коэффициентлар тупроқдаги микрофлора ёрдамида кечувчи минерализация ва органик қолдиқларни тупроқ органик моддасига трансформацияси жадаллигини тавсифлайдилар. Кмин тупроқ микробиоценозининг амилитик қисмини ривожланишини кўрсатади ва минерал азот билан боғлиқлигини кўрсатади. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида ушбу кўрсаткич 0,363-0,464 ни, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал 0,408-1,078 ни ва чўл-кумли тупроқларда 0,731-1,444 ни ташкил этади. Минерализация коэффициенти (Кмин) бўйича тупроқларнинг қуйидаги кўпайиб борувчи қаторига қуйиш мумкин: воҳа ўтлоқи –аллювиал тупроқлар -суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-суғориладиган чўл-кумли тупроқлар.(1-жадвал)

1-жадвал

Суғориладиган тупроқларнинг органик моддасининг трансформацияси коэффициенти

Тупроқлар	Кмин* (КАА/ГПА)	Комт* ((ГПА+КАА)· (ГПА/КАА))
Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар	0,363-0,464	8,84-3,55
Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал	0,408-1,078	5,84-2,00
Суғориладиган чўл-кумли тупроқлар	0,731-1,444	1,46-1,01
<i>Кмин*-минерализация коэффициенти; Комт*- органик моддаларнинг трансформацияси коэффициенти.</i>		

Азот бирикмали органик моддаларнинг микробиологик ўзгаришини уларнинг трансформация коэффициенти(Комт) асосида тавсифлаш мумкин. Суғориладиган воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида ушбу кўрсаткич 3,55-8,84 ни, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал 2,00-5,84 ни, суғориладиган чўл-кумли тупроқлар 1,01-1,43 ни ташкил этади. Трансформация коэффициенти (Комт) бўйича тупроқларнинг қуйидаги қамайиб борувчи қаторига қуйиш мумкин: воҳа ўтлоқи –аллювиал тупроқлар-суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-суғориладиган чўл-кумли тупроқлар. Ушбу коэффициент юқорилиги экотизимда барқарорлигини таъминловчи тупроқ микробиоценозининг оптималлигини кўрсатади. Органик моддаларнинг трансформацияси коэффициенти-тупроқлардан оқилона фойдаланиш, микробиологик параметрларни кенгроқ қўллаш, улардан агроландшафтларда тупроқ унумдорлигини бошқариш ва ошириш, инсон фаолияти таъсирини ижобий томонга тартибга солиш индикатори деб ҳисоблаш мумкин.

Ўрганилган тупроқларнинг микробиологик режими уларда биологик жараёнлар фаоллиги юқорилигини кўрсатади. Бактериялар плазмасидаги азот маълум даражада тупроқдаги органик моддаларнинг парчаланиш энергиясини акс эттиради ва ўз ўрнида ўсимликлар озикланишида ўзлаштирилиши мумкин бўлган азот миқдорини тавсифлаши мумкинлиги қайд этилади [1, 4, 5, 6] Ушбу тупроқларда бактериялар плазмасининг азоти унинг умумий миқдоридан 22-30 % ни ташкил этади. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумусли қатлам қалинлиги, органик модда захираси кўпроқлиги ва узоқ йиллар давомида намланиб турганлиги сабабли минерализация коэффициенти пастроқ кийматга эга эканлиги, ушбу тупроқларда биоорганик-минерал комплекси “БОМК” кўрсаткичи бошқа ҳудуд тупроқларига нисбатан юқорилиги қайд этилди. (2-жадвал)

2-жадвал

Суғориладиган тупроқлар биогеблиги

Тупроқлар	БОМК, мг/гр тупроқ	Биогеблик, микрофлора минг хужайра		Бактериялар плазмаси азоти, умумий %
		1 гр тупроқда	тупроқнинг 100 мг азоти	
Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар	1,02	21620	24568	22-23
Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал	0,92	20304	26031	26-28
Суғориладиган чўл-кумли тупроқлар	0,67	15698	21803	29-30

Суғориладиган чўл-кумли тупроқларда микроорганизмларнинг плазмаси азоти умумий азот миқдоридан 29-30 % ни, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида 26-28 % ни, воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида 22-23 % ни ташкил этиб, органик моддани парчаланиш энергияси қуйидаги қаторга қўйиш мумкин: воҳа ўтлоқи аллювиал тупроқлар-суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-суғориладиган чўл-кумли тупроқлар. Ҳудуд тупроқлари азотининг энг юқори биогеблик хусусияти суғориладиган чўл-кумли тупроқларига, сўнгра камроқ биогеблик хусусияти суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларига ва энг кам-воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларига хослиги аниқланди. Суғориладиган чўл-кумли ҳамда суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар органик моддалар билан кам таъминланганлиги ва юқори биогеблиги сабабли органик ўғитларни қўллашни тақазо этадилар. Органик модда захираси кўпроқ бўлган, аммо суст биогеблик билан тавсифланадиган воҳа-ўтлоқи-аллювиал тупроқлар кўпроқ минерал ўғитларни қўллашни тақазо этадилар. Шундай қилиб, тупроқларнинг микробиологик кўрсаткичлари минерал ва органик ўғитларни илмий асосланган ва самарали қўллашга имкон беради.

ХУЛОСА

Ўрганилган тупроқларнинг микробиологик режими уларда биологик жараёнлар фаоллиги юқорилигини кўрсатди. Бактериялар плазмасидаги азот маълум даражада тупроқдаги органик моддаларнинг парчаланиш

энергиясини акс этиради ва ўз ўрнида ўсимликлар озикланишида ўзлаштирилиши мумкин бўлган азот микдорини тавсифлаши мумкинлиги қайд этилди. Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида гумусли қатлам калинлиги, органик модда захираси кўпроқлиги ва минерализация коэффиценти узок йиллар давомида намланиб турганлиги сабабли пастроқ қийматга эга эканлиги, ушбу тупроқларда биоорганик-минерал комплекси “БОМК” кўрсаткичи бошқа худуд тупроқларига нисбатан юқорилиги қайд этилади. Суғориладиган чўл-қумли тупроқларда микроорганизмларнинг плазмаси азоти умумий азот микдоридан 29-30 % ни, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида 26-28 % ни, воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида 22-23 % ни ташкил этиб, органик моддани парчаланиш энергияси қуйидаги ошиб борувчи қаторга қўйиш мумкин: воҳа ўтлоқи аллювиал тупроқлар-суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар-суғориладиган чўл-қумли тупроқлар. Худуд тупроқлари азотининг энг юқори биогенлик хусусиятисуғориладиган чўл-қумлитупроқларида, сўнгра камроқ биогенлик хусусияти суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ва энг камвоҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларига хослиги билан тавсифланди.

¹ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

² Бухоро давлат университети, ³ Тошкент давлат аграр университети

Адабиётлар

1. Гафурова Л.А. Почвы, сформированные на третичных красноцветных отложениях, их экологическое состояние и плодородие // Дисс.... д.б.н. –Ташкент, 1995. –С.331–351.
2. Гришина Л.А., Копчик М.И., Макарова Г.Н. Трансформация органического вещества почв: учеб. пособие. М.: Изд-во МГУ, 1990. -91с.
3. Зинченко М.К., Федулова И.Д. Микробиологические показатели плодородия серой лесной почвы верхневолжья. Почва, климат, удобрение и урожай: актуальные проблемы и перспективы. Научно-практическая конференция, посвященная 100 летию Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Москва-2018. -С-35-37.
4. Кузиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. Суғориладиган тупроқларнинг эволюцияси ва унумдорлиги; Тошкент-2015.-Б-136-139.
5. Лазерев С.Ф. Биоорганоминеральный комплекс орошаемых почв Средней Азии. Изд-во САГУ, Ташкент, 1954.-С.92.
6. Горопкина А.Л. Жизнедеятельность микрофлоры в сероземах в зависимости от агротехники возделывания хлопчатника. Ташкент-1971.- С.-113-116.
7. Фёдоров М.В. Микробиология; Тошкент-1966.- Б.- 328-331.

Аннотация:

В статье рассматриваются вопросы трансформации органического вещества и биогенность орошаемых почв Бухарского оазиса. В результате исследований выявлено, что наивысшая биогенность почв была характерна для орошаемых пустынно-песчаных почв, меньшая для орошаемых лугово-аллювиальных почв и минимальная для оазисно лугово-аллювиальных почв.

Ключевые слова и фразы: морфогенетические, агрохимические, физико-химические свойства, микробиоценоз, биоорганоминеральный комплекс, минерализация, коэффициент трансформации, органическое удобрение.

Abstract:

The article deals with the transformation of organic matter and the biogenic of irrigated soils of the Bukhara oasis. As a result of the research, it was revealed that the highest soil biogenic was characteristic for irrigated desert-sandy soils, less for irrigated meadow-alluvial soils and minimal for oasis-meadow alluvial soils.

Key words and phrases: morphogenetic, agrochemical, physicochemical properties, microbiocenosis, bioorganomineral complex, mineralization, transformation, organic fertilizer.

УДК:633.31

МАХАММАТОВА М., ШЕРБЎТАЕВ О., МУККАРАМОВ А., ЖЎРАЕВ Ш., ХУРРАМОВ А.А.

КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ КОНДИЦИОН УРУҒ ЧИҚИШИГА ЭКИШ МЕЪРИНИНГ ТАСИРИ

Буғдой навларини навдор ва сифатли уруғларини экиш буғдой ҳосилдорлигини 15-25% га оширади. Шунинг учун экиш сифатлари бўйича белгиланган талабларига жавоб берадиган кондицион уруғларини экиш мақсадга мувофиқдир. Мақолада тажриба асосида экиш меъёрлари буғдой навларининг кондицион уруғ чиқишига таъсир қилишини кузатишган. Навлар бўйича ҳам кондицион уруғнинг

чикишида катта фарк бўлиши қайд этилди. Энг кўп кондицион уруғларни чиқиш миқдори буғдойнинг айрим навларида аниқланди. Экиш меъёри ошиб борган сари кондицион уруғларнинг чиқиш миқдорини камайиши кузатилган.

Калит сўзлар: кондицион уруғ, экиш меъёри, уруғ, кузги буғдой, нав, наводор уруғ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда буғдой етиштириш соҳасида катта муаффақиятларга эришилди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохатлар, аграр фанинг ривожланиши, янги технологияларни жорий этиш дончиликнинг кенг қўламда ривожланишига олиб келди. Республикада буғдой экиннинг кўплаб янги серҳосил маҳаллий навларнинг яратилиши ғаллачилик тизимини ривожланишига олиб келди. Яратилган янги навлар ўзларининг юқори ҳосилдорлиги билан биргалликда ва сифат кўрсаткичларини янада ошириш долзарб масала ҳисобланади. Жумладан Бинобарин, баъзи мутахассислар «Нима учун битта нав бир хил тупроқ-иқлим ва агротехника шароитидаги турли фермер ва ширкат хўжаликларида, хатто далаларда турлича ҳосил беради?» деб ҳулоса қиладилар. Бунинг асосий сабабларидан бири экиладиган уруғнинг сифати ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқаришда районлаштирилган навларнинг соф ва сифатли уруғларини экиш буғдой ҳосилдорлигини 15-25% га оширади (Ходжакулов ва бошқалар, 1999). Шунинг учун экиш сифатлари бўйича белгиланган талабларига жавоб берадиган кондицион уруғларини экиш мақсадга мувофиқдир.

Тажрибамизда экиш меъёрлари буғдой навларининг кондицион уруғ чиқишига таъсир қилишини кузатдик. Навлар бўйича ҳам кондицион уруғнинг чиқишида катта фарк бўлиши қайд этилди. Энг кўп кондицион уруғларни чиқиш миқдори буғдойнинг Крошка (84,4%) ва Купава (84,3%) навларида аниқланди. Экиш меъёри ошиб борган сари кондицион уруғларнинг чиқиш миқдорини камайиши кузатилди. Масалан, буғдойнинг Крошка навини гектарига 3 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда кондицион уруғни чиқиш миқдори 84,4% ни ташкил қилган бўлса, 4 млн. дона экилганда 83,3% ни, 5 млн. дона экилганда 81,2%, 6 млн. дона экилганда 76,4% ни ташкил қилди ва мос равишда 1,1, 2,1 ва 4,8% га камайди. Бундай қонуният бошқа навларда ҳам аниқланди. Лекин, энг кўп кондицион уруғ чиқиши бўйича ҳар бир буғдой нави учун тажрибамизда олинган маълумотлар бўйича ҳулоса қилиниши зарур. Санзар-8, Унумли буғдой навларидан гектарига 3 млн., Крошка, Уманка, Кўпава, Деметра, Половчанка, Княжна навларидан 5 млн. дона унувчан уруғ ҳисобидан экилганда энг кўп кондицион уруғ олиш имконияти бор.

1-жадвал

Буғдой навларининг кондицион уруғига экиш меъёрининг таъсири

Навлар	Вдона унувчан уруғ ҳисобиданариантлар (1 га/млн.)	Кондицион уруғнинг чиқиш миқдори							
		1-йил		2-йил		3-йил		Ўртача	
		ц/га	%	ц/га	%	ц/га	%	ц/га	%
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Санзар-8	3	52,5	82,9	42,7	80,8	46,3	81,3	47,1	81,7
	4	45,0	78,1	37,3	75,6	41,2	76,2	41,1	76,6
	5	38,2	73,5	32,1	70,3	35,3	71,4	35,1	71,7
	6	36,4	71,4	29,3	69,0	31,2	70,0	31,9	70,1
Унумлибуғдой	3	48,6	81,5	40,5	79,1	43,5	79,8	44,1	80,1
	4	48,7	79,6	42,9	77,5	45,5	78,2	45,7	78,4
	5	43,9	76,7	38,9	75,0	40,8	75,5	41,2	75,7
	6	39,1	73,2	33,1	71,3	36,1	72,0	36,1	72,2
Крошка	3	43,3	85,1	37,1	83,2	40,4	84,9	40,3	84,4
	4	46,1	84,3	39,1	82,0	46,1	83,6	43,7	83,3
	5	52,1	82,0	45,4	80,0	48,7	81,5	48,7	81,2
	6	45,9	77,1	40,3	75,7	43,6	76,5	43,2	76,4
Уманка	3	46,2	83,1	40,3	81,0	41,7	81,8	42,7	82,0
	4	47,7	81,2	40,8	79,3	43,8	80,0	44,1	80,2
	5	51,4	78,2	44,5	76,9	47,7	78,0	47,9	77,7
	6	45,4	75,6	41,3	74,7	42,2	75,0	43,0	75,1
Половчанка	3	41,8	82,7	34,9	81,1	38,6	81,8	38,4	81,9
	4	43,8	78,5	37,3	76,2	41,1	77,0	40,7	77,2
	5	46,2	73,4	39,8	71,7	42,5	72,6	42,8	72,6
	6	42,6	71,4	35,7	69,5	39,6	70,3	39,3	70,4
Кўпава	3	46,2	85,1	38,8	83,2	43,1	84,6	42,3	84,3
	4	47,2	82,0	39,9	80,1	44,7	81,7	43,9	81,3
	5	51,4	76,7	43,7	74,0	48,7	75,9	47,9	75,5
	6	45,4	75,1	39,8	73,0	43,9	74,0	43,0	74,0
Деметра	3	43,0	84,0	35,3	82,5	38,4	83,3	38,9	83,3
	4	43,2	80,1	37,1	78,3	40,6	79,2	40,3	79,2
	5	48,4	78,7	42,5	77,3	45,8	78,0	45,5	78,0
	6	41,6	74,3	37,2	72,2	39,9	73,4	39,6	73,3
Княжна	3	42,1	83,6	35,0	81,7	37,3	82,5	38,1	82,6
	4	42,3	79,2	36,3	77,6	40,0	78,5	39,5	78,4
	5	46,8	76,3	39,9	74,0	43,7	75,0	43,4	75,1
	6	40,7	72,2	34,7	70,2	38,6	71,4	38,0	71,3